

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

И.Иргашев номли 4-сон ШКШ

Бош шифокор

Б.А.Мамаджанов



**БАЖАРУВЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАБ ОЛИШ УЧУН
ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

Танлов хужжатларининг маъмуни;

- 1.Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- 2.Техник қисм
- 3.Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ.И.Иргашев номли 4-сон ШКШ барча булимларига оптика асосида локал тармок урнатиш, шу жумладан, интернетни тугри таксимлаш учун сервер урнатиш ва ходимларга онлайн тизимда ишлашни ургатиш хизматларини бажариш

1.2 Танлов охирги қиймати -103 135 580 (Бир юз уч миллион бир юз уттиз беш минг беш юз саксон) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3 Бажариладиган иш турлари техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ҳолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4 Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб йил давомида.

1.5 Ишларни бошлаш муддати –аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1.И.Иргашев номли 4-сон ШКШ (бундан кейин “Буюртмачи” деб аталади)-танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Тошкент шаҳар.Яшнобод тумани. Бирлашган 1.

2.2.Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3.Танлов И.Иргашев номли 4-сон ШКШ “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда. белгиланган муддатларда ўтказилади.

3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1.Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган камида 4 йил тажрибага эга булган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар қўйилади.

Танлов предметидаги ишлар (хизматлар) ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги.

Шартномалар тузиш юзасидан фуқоролик –муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

Танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ;

Тиббий муассаслар билан камида 3 йиллик иш тажрибаси;

Тиббий дастурлар билан ишлаш тажрибаси;

ИКТ бўйича ўқитиш учун лицензия мавжудлиги

3.3.агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса. Танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4.Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди;

Кайта ташкил этилиш (ажратилиши .қўшилиш)тугатиш ёки банкротлик арафисида турганлар ; мол-мулки мусодара қилинганлар.хамда муассислик келишув .молиявий иштирок .холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий –хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1.Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2.Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар маълумотлар “бююртмачи “ва “иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3.Танлов хужжатларида қўйидаги тақдим этилиши лозим;

Техник қисм “бююртмачи “томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

Нархлар қисми.Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида.хизматларни бажариш муддатлари тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ курсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган .номерланган ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган холда ёки хар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган холда тақдим этилишлари лозим.

4.4.Кўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади;

Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар;

Техник таклиф .Фирменний бланкада имзоланган номерланган ва муҳрланган холда;

Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар.техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

Бююртмачи объектини келиб ўрганиб, шундан келиб чиққан холда асосланган таклиф бериши

4.5.Танлов иштирокчиси;

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

-тақдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

-таклифлар бериш муддати тугагунига қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хуқуқиға эға.

5.ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1.Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли холда эълон қилинган муддатдан яна 5-календар кунга узайтириши мумкин.

5.2.Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1.Давлат харидлари тўғрисидаги конун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда фолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асасланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Фолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни.хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида 10 кунга узайтириш керак. Шу билан бир вақтда агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидалари танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун – мохиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилингандан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларини тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларини тақдим этиши шарт.

7.5. Қуйидаги иштирокчиларга танлашда иштирок этиш учун рухсат берилмайди.

- зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;
- қайта ташкил этиш тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган;
- буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик муҳокамаси ҳолатида бўлган;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида бўлган;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарзларга эга бўлган;
- харид қилиш ҳужжатлари талабларига жавоб бермайдиган малака ҳужжатларини тақдим этган

7.6. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Бош шифокор муовини

Бош ҳисобчи

Бош ҳамшира



Юсупов Г.А.

Нишанбаева М.А.

Алимова Ш.А.